

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича

ШАРТНОМА № 92

ЛОТ№ 22110012178515

2022 йил 18 ноябр

Жиззах шаҳри

Ўзбекистон Республикаси “ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув обьектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб ҳамда 2022 йил 5 январдаги № 4-сонли ишончномага асосан иш юритувчи номидан бошқарма бошлиғи М.Каратеев, бир томондан ва "NOVO PLANING" МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ж.Олимов иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

## 1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ "Дўстлик тумани Марказий сув иншоатидан Саритета МФЙ сув иншоатига борувчи 3,5 км магистрал сув қувирларини қайта реконструксия қилиш, маҳалла худудидаги 6 та янги ташкил қилинган кўчалар эҳтиёжи учун 4,0 км ичимлик суви тармоғи тортиш, мавжуд ичимлик сув иншоатига 1 хлорлаш ускунаси ўрнатиш." обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

## 1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: **30 фоиз** аванс маблаги утказилгандан кейин;

Ишни якунлаш: **15** иш куни.

## 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати ҚҚС билан **59 000 000** (эллик тўқиз миллион) сўмни ташкил этади. Мазкур маблағлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “Манзилли дастур” тасдиқланганидан сўнг молиялаштириб берилади.

2.2. Ишлар қиймати очиқdir. Ишлар қиймати “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКнинг хулосасига кўра, лойиҳа қидирув ишларида белгиланганидан камайганида тўланадиган маблағ тегишлича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли буйруғига асосан Лойиҳага хақ тўлаш мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш буюртмачи тарафидан ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи тарафидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар тарафидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойихаси, қидиув ишлари ва геология, PCB, гидрогеология хулосаси, ДАҚН хисоботи, муаллифлик назорати, давлат ва экологик экспертиза хулосалари учун тўловлар “Ижрочи” тарафидан амалга оширилади.

### **3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.**

3.1. "Дўстлик тумани Марказий сув иншоатидан Саритета МФЙ сув иншоатига борувчи 3,5 км магистрал сув қувирларини қайта реконструксия қилиш, маҳалла худудидаги 6 та янги ташкил қилинган қўчалар эҳтиёжи учун 4,0 км ичимлик суви тармоғи тортиш, мавжуд ичимлик сув иншоатига 1 хлорлаш ускунаси ўрнатиш." объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлиш санаси сифатида қўйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқка ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий хужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Тарафлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юкоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг ижрочи тайёр лойиҳани ёки унинг қисмини буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи лойиҳани олганидан кейин қўйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат ижрочига юборилгандан сўнг икки тарафлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади;

3.3.3. Буюртмачи лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни ижрочига юбормаса, лойиҳа буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади;

3.3.4. Агар буюртмачи лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик лойиҳада бирламчи хужжатлардан ва шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни лойиҳани қабул қилаётгандан аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

### **4. Тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни ижрочига тақдим қиласди;

4.1.2. Мазкур шартномада белгилangan миқдор ва тартибда ишлар қийматини ижрочига тўлаб беради;

4.1.3. Ижроидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора кильмаслик;

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун ижрочини жалб этиш;

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан тарафлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг);

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс тарафидан буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун буюртмачи тарафидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи тарафидан тақдим этилган хужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириши, буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши, буюртмачини ўз вактида огоҳлантирмаган ижрочи келгусида буюртмачи тарафидан даъво қилинганда хужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қиласлиги керак;

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш;

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёrlари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик хужжатларига жавоб берадиган тайёр лойиҳани буюртмачига топшириш;

4.2.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслиқ;

4.2.6. Ўз хисобидан муаллифлик назоратини олиб бориш.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, ижроидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- ижрочи лойиҳадаги камчиликларни ўз хисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиш;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- ижрочи лойиҳадаги камчиликларни ўз вактида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча қўрилган молиявий заарлар қопланишини ижроидан талаб қилиш;

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа хужжатларига кушимча иш хажмлари киритилган ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» қумитасининг 24.06.2008 йилдаги 50-сонли буйруги билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошисига асосан бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Тарафлар мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

5.2. Лойиҳа буюртмачи тарафидан қабул қилингандан кейин ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу

камчиликларни ўз хисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи лойихадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи ижрочи билан келишиб олмасдан лойихалаш мобайнида лойихага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойихалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса.

5.4. Молия органи тарафидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам буюртмачи лойихалаш ишларини ўз вақтида молиялаштиrmаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойихалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Тарафлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаслик шарти билан, биринчи тараф иккинчи тарафни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф иккинчи тарафга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматининг 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

## 6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир тарафнинг фаолияти ёки тарафлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Тарафлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

## 7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-бандида кўрсатилганидек, шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан тарафларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ёзма келишувга асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим тузилган ёки келишмовчилик баённомаси қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда тарафлар (ёки тарафлар номидан вакиллар) томонидан имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

## 8. Низоларни хал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

## 9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда тарафлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзғолонлар, саботаж,

миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган тарафлар назоратидан ташқаридағи бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги тарафлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсири этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

### 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома Жиззах вилояти Фазначилик бошқармасида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Битта нусхаси буюртмачида, иккинчи нусхаси эса ижроида сакланади.

### 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

#### БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси  
“ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув  
таъминоти ва оқава сув обьектларини қуриш  
бўйича инжиниеринг компанияси” УК  
Жиззах вилояти худудий бошқармаси  
Жиззах ш. Кимёгар махалла Тўқимачилар  
кўчаси 2 уй. Тел./факс 222-82-41,  
ш.ф.х: 301821860084017063201110061  
ИНН: 305978471 ОКЕД 42210  
Жиззах вилоят Фазначилик бошқармаси  
ЯФХ 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ҲККМ)  
МФО: 00014 ИНН: 201122919



М. Каратаев  
(ФИШ)

#### ИЖРОЧИ:

“NOVO PLANING” МЧЖ  
масъулияти чекланган жамияти  
Тел: (+99891) 566-66-62  
Жиззах шаҳри Заргарлик МФЙ  
17 уй 9 хон  
Хар 2020 8000 9050 9898 6001  
АТБ “Туронбанк” Жиззах  
филиали  
МФО: 00982 ИНН: 306559374  
ОКЭД: 41100



Ж. Олимов  
(ФИШ)

### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни талаблари асосида тузилган. Хўжалик шартномаси шартлари, унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларни хал этиш тартиби амалдаги конунчилик талабларига мос келади.

Хукукий экспертиза натижасига кура куйдагилар аникланди:

1. Шартнома Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилган шартнома шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конунининг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Бошқарма хуқуқшуноси

Д.Уралов